

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 6-iyul, shanba № 51 (15689)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Navqiron avlod so'zi

### Камта натижалар ҳали олдинда

Болалигимдан олдимга катта мақсадлар қўйиб келаман. Журналист бўлишни, бу машаққатли касбнинг барча сир-асрорларини ўрганиб, мамлакатимиз нуфузини халқаро миқёсда намён этишни жуда-жуда хоҳлардим. Мана, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирдим. Бу ерда таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларини тамомладим. Журналистиканинг назарий асосларини пухта эгаллаганим ҳозирги ҳам илмий, ҳам амалий фаолиятимда ниҳоятда асқотяпти.

Минг шукрки, мен мустақил, ўз тараққиёт йўлини қатъий белгилаган ва айнан таълим-тарбиядек муҳим стратегик соҳага юқори эътибор қаратиб, фарзандларининг илм-заковатли бўлиши учун барча шароитлар муҳайё этилган Ўзбекистонда яшайман. Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар жаҳон мамлакатларида ҳавас ва ҳайрат уйғотаётган бир пайтда менга ўхшаш минг-минглаб ёшлар шу ислохотларнинг ширин мевасини тотиб келяпти. Мана қаранг, охириги йилларда республикамиз олий таълим тизимида қанчадан-қанча янгилик қилинди. Биргина Президенти-мизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳозирги кунда барча олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ҳамда мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга киришилди. Олий таълим муассасаларининг ўқув бинолари, спорт иншоотлари ва талабалар тураржойлари таъмирланмоқда, жаҳон талаблари асосида жиҳозланмоқда.

Ўтган йили олий таълим сифатини ошириш бўйича бажарилган муҳим чора-тадбирлардан бири мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларини бирлаштирувчи юқори тезликдаги оптик толали ягона компьютер тармоғининг ишга ту-

ширилиши бўлди. Бу таълим жараёнида замонавий АКТ воситаларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим элементлари, масалан, видеоконференц-алоқа, интернет-конференция, он-лайн мулоқот каби шакллари жорий этиш имконини беради. Ҳозирнинг ўзида турли ихтисосликдаги олий таълим муассасалари ўртасида видеоконференцияларни ўтказиш тажрибаси мунтазам йўлга қўйилди.

Ўтган йиллар давомида юртимиз олий таълим тизимида аввалига аспирантура, кейин эса стажёр-тадқиқотчи-изланувчи институтларининг тугатилиб, катта илмий ходим-изланувчи институтининг жорий қилингани илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Айни пайтда мен ҳам катта илмий ходим-изланувчиман ҳамда «Ахборот хизмати фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг омили сифатида» мавзудаги докторлик диссертацияси доирасида илмий тадқиқот олиб боряпман. Илмий фаолият билан шуғулланаётган мен каби ёшларга давлатимиз томонидан қулай шароитлар яратилгани, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганимиз бизни илм-фан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиш, юқори марраларни забт этишга ундайди.

**Гулмира ШУКУРОВА,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети катта илмий ходими-изланувчиси



6-бетга қаранг

Сардор Муллажонов фотокolleжи

«Bitiruvchi — 2013»

## Ёшлар учун меҳнат ярмаркаси

Нукус шаҳрида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди

Нукус шаҳар ҳокимлиги, бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат бозорига 204 корхона, ташкилот ва муассаса 817 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Мунтазамлик касб этаётган бундай тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ёшларни, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан

таъминлашдан иборатдир. Навбатдаги меҳнат ярмаркасида иштирок этган беш юзга яқин фуқаронинг 74 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

— Мен Нукус агроиқтисодиёт касб-хунар коллежини тугатиб, эгаллаган касбим бўйича ишга жойлашганимдан хурсандман, — дейди Парвоз Жонузоқова. — Юртимизда биз, ёшларга яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, замонавий ўқув юртларида таҳсил олдик. Энди ўзимизнинг куч-ғайра-

тимизни, билимларимизни Ватанимиз равнақи йўлида сарфлаймиз.

Шу кунги касб-хунар коллежларини битирган 50 нафарга яқин ёш мутахассис муайян меҳнат жамоаларидан ўз иш ўрнини топди.

Тадбир давомида фуқаролар меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тегишли жавоблар олди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**  
ЎЗА мухбири

# Ёш тарғиботчилар гуруҳи шакллантирилди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан ҳамкорликда Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, уларда шахсий фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида «Тинчлик учун курашмоқ керак!» мавзуда тарғибот гуруҳини шакллантирди. Саноқли кунлардан сўнг бир юз элликка яқин тарғиботчилар гуруҳи республикамизнинг барча ҳудудларига йўл олади.

Тарғиботчилар шунчаки танлаб олинмади. Улар «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини яхши уққан, унинг мазмун-моҳиятини чуқур англаган, китоб ҳақида тўлиқ маълумотга эга зукко талабалар орасидан саралаб олинди. Танлаб олинган талабаларга эса, ўқитувчилар томонидан махсус семинар-тренинглари ўтилди.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида тарғибот лойиҳаси, Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобининг мазмун-моҳиятини ёшларга етказишнинг устувор вазифалари ва аҳамияти, тарғибот гуруҳи аъзоларининг асар бўйича билимларини мустаҳкамлаш, ёшлар билан муло-

қотга киришиш, интерфаол усуллардан фойдаланиш, нотиклик санъати каби жиҳатларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова тарғибот лойиҳаси ҳақида тўхталар экан, шундай деди:

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бу байрамга ҳар биримизнинг ўз тайёргарлигимиз бор. Мазкур тарғибот лойиҳаси ҳам «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида нишонланаётган мустақиллик байрами ҳамда Президентимиз асарининг мазмун-моҳиятини ёшларга етказишга қаратил-



ган. Бундай муҳим тадбирни амалга ошириш ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Ҳамма нарса виждон ва эътиқоддан бошланади. Ўйлайманки, ҳар бир тарғиботчи ўз ишини виждонан бажарса, кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Тарғиботчилар асарнинг мазмун-моҳиятини тенгдошларига етказишда қандай методлардан фойдаланишади, умуман, тарғибот тадбирларини қандай олиб боришадиган? Давра суҳбатида ёш тарғиботчилар гуруҳи аъзолари тарғибот тадбирларини қан-

дай ўтказишларини кўрсатиб беришди. Уларни кузатиб борган Республика Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Муҳаммаджон Куронов зарур маслаҳатлар берди.

— Тарғибот бизнесга ўхшайди, фақат пул топиш учун эмас, инсонлар маънавиятини оширишга хизмат қилади, — таъкидлайди Муҳаммаджон Куронов. — Бизнесмен супермаркетининг тоғнинг чўққисидан эмас, чорраҳада куришга талашади. Биз, тарғиботчилар ҳам одамлар гавжум жойларда бўлишимиз ке-

рак. Ушбу тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ҳам фаол бўлмаган ёшлар қатламида бўлиб, уларнинг идрокини уйғотиши керак. Тарғибот тадбирларини ёзма эмас, балки оғзаки, ҳаётий мисоллар ёрдамида ўтказиш керак.

Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалида қатнашиб, тарғибот тадбирларини ўтказиб келяпти.

— Тарғиботчилар гуруҳида эканимдан хурсандман, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси Достонбек Бобожонов. — Бугун бирор киши билан танишсам, биринчи навбатда, Ўзбекистонимизнинг ютуқлари ҳақида сўрайман.

Тадбирда тарғиботчиларга ёрдамчи сифатида Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари бўйича тайёрланган тарғибот материаллари жамланган дисклар тарқатилди. Улар бир ҳафтадан кейин тарғибот тадбирларини ўтказиш учун вилоятларга жўнаб кетишади. Ушбу тадбир эса уларга якуний синов бўлди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Сардор Муллажонов  
олган сурат

Hunar — zar



## Дўппи тикдим ипаклари пилладан

Бир йигитга биров қирқ, биров етмиш ҳунар оз, дейди. Қизга-чи? Шуниси аниқки, қиз ва аёлларимизнинг ҳеч бири санъатдан, касбу ҳунардан узоқ эмас. Барининг қўли гул.

Баъзан камалакдек товланиб турган буюму либосларни кўриб, хойнаҳой, бирорта замонавий техника ёрдамида ишланган-ов, деймиз ҳайрат билан. Суриштириб билсак, улар чевар қизлар қўлида яратилган бўлиб чиқади!

Офарин, қизлар! Офарин, шундай чеварларга сабоқ берган устозлар! Ҳа-а, дунё ана шундай мўъжизаларга бой-да.

**СУРАТДА:** Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқувчилари Мухлиса Абдуқодирова ҳамда Сандуғаш Абдужалилова коллеж устахонасида амалий машгулотда.

Сардор Муллажонов сурат-лавҳаси

Kun yangiligi

## Истиқлол шуқуҳи юрагимизда

Ҳар йили халқимиз учун энг улуғ, энг азиз неъмат — мустақилликни юртдошларимизнинг орзу-умидлари, дилдаги ифтихору муҳаббати акс этган, эзгулик ва инсонпарварликка йўғрилган шиор билан кутиб оламиз. Анъанага кўра, бу йил истиқлолимизнинг йигирма икки йиллик тантаналарини «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида нишонлашга ҳозирлик кўряпмиз.

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигини муносиб кутиб олиш ва юксак даражада ўтказиш мақсадида қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида «Тошкент оқшомлари» номли маданий-маърифий тадбирлар бошланди.

— Бу тадбирни халқимизнинг бой миллий маданий меросини, эришган муваффақиятларини, тенгдошларимизнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларини тарғиб этувчи лойиҳалар, қизиқарли кўргазмалар мажмуи, дейиш ҳам мумкин, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби Ўткир Маҳкамов. — Бундан кўзланган мақсад тенгдошларимиз қалбидаги бой тарихимиздан фахрланиш, бугунимизга шукрона, эртанги кунимизга қатъий ишонч туйғусини мустаҳкамлаш, уларни юртимизда ёшларга яратилаётган улкан имкониятлар билан яна бир бор таништиришдир.

Мустақилликнинг аҳамиятини, қадр-

қимматини теран англаш юртимиздаги ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар учун жуда муҳим. Шу маънода, «Тошкент оқшомлари» номли туркум тадбирларда «Камолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳридаги туман кенгашлари қошида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари хунарманд ёшлари моҳирона тайёрлаган буюмлар, пойтахтлик ёш тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва «Тошкент — нон шаҳри» мавзудаги миллий нон кўргазмалари бўлиб ўтади.

Бундан ташқари, ёш истеъдодли санъаткорлар ижросидаги концерт дастурлари, спортчи тенгдошларимизнинг кўргазмалари чиқишлари, ёш чемпионлар ва истеъдодли рассомларнинг маҳорат дарслари, турли кўрик-танловлар ва фолибларни тақдирлаш маросимлари тадбирларга ўзгача шуқуҳ бахш этади. Туркум тадбирлар шу йилнинг 23 августига қадар ҳафтанинг жума кунлари мазкур боғда ўтказилади.

**Хайридин МУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

# Юрт ободлигига тенгдошларимиз ҳиссаси

Ёзги таътил ҳам бошланди. Болалар оромгоҳлар кўйида, талаба-ёшлар эса ота-онасига кўмакдош, баъзилари янги ўқув йилига қадар вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳида фаолият олиб бораёпти.

Ёшларни моддий-маънавий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёзги таътил кунларини фойдали меҳнатга жалб этиш, ишсиз ёшларни вақтинча иш билан таъминлаш орқали қўшимча даромад олиш имконини яратиш мақсадида Ҳаракатнинг барча туман, шаҳар кенгашлари қошида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳлари ташкил этилди. «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши маълумотида кўра, бугун 387 та объектда 10678 нафар ёш қурилиш, педагогика, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда меҳнат қилмоқда. «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳида маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшлар билан бирга, талабалар ҳам иштирок этмоқда.

## ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР, Фойдали ўқувлар

Қашқадарёлик «Бунёдкор»чилар ҳам қизғин иш устида. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, юртининг бунёдкорлиги, ободлиги учун меҳнат қилаётганидан, ўзининг эса пул топаётганидан хурсанд эканлигини айтади. Тўғри-да, ёзги таътилда уй ишларидан ортиб, қўшимча меҳнат қилишни ким ҳам хоҳламайди, дейсиз. Боз устига кўнгидагидек иш тайин.

Бу йил Қарши давлат университети 538 нафар талабаси «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига жалб этилган. Уларнинг 338 нафари Қарши шаҳрида бунёд этилаётган «Никоҳ уйи» биносидан ишлади. Икки юз нафар талаба «Етакчи» ёшлар ўқув маркази филиалида махсус ўқитилиб, Яққаб, Шаҳрисабз, Китоб туманларида жойлашган оромгоҳларга тарбиячи сифатида юборилди.

— Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг тўрт юз нафар талабасидан иборат «Бунёдкор»чилар Деҳқонобод, Ғузор, Миришкор, Муборак туманларида барпо этилаётган намунали уй-жойлар қурилишида меҳнат қилишяпти, — дейди «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши бўлим мудири Абулвафо Тиловатов.

— Улар қурилиш ташкилоти билан тузилган шартнома асосида маош, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган. Туман ва шаҳарлардан мурожаат қилган 1408 нафар ёшнинг 1034 нафари «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига аъзо бўлиб, жойлардаги намунавий уй-жойлар қурилишида ишлаяпти. Худудлардаги меҳнат объектларида «Бунёдкор»чиларнинг мазмунли дам олишлари учун турли мавзуларда маданий тадбирлар ўтказиб келяпмиз.

Мақтаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда аҳолининг интернет тармоғида ишлаш, шунингдек, замонавий ахборот-

Улар бир ҳафта давомида тингловчи ёшларга ахборот ва унинг аҳамияти, компьютер ва унинг турлари, алоқа воситалари, интернет хизматлари, интернет орқали мулоқот ва унинг аҳамияти, электрон почта хизмати имкониятлари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, электрон ҳужжат алмашинуви, ижтимоий тармоқлар, интерактив хизматлар каби мавзуларда машғулотлар олиб боришади. Ушбу ўқув дастури 15 июлга қадар давом этади. Ҳозир 150 нафар талабамиз Деҳқонобод туманидаги Бешбулоқ массивидаги намунали уй-жойлар қурилишида меҳнат қилаётган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига қўшилишди.

— Оиламизда уй ишларига кўмаклашадиган ёрдамчи борлиги сабабли, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига аъзо бўлдим, — дейди ТАТУ Қарши филиали талабаси Дилмурод



коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг олтмиш саккиз нафар талабасидан иборат «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳи аъзолари компьютер саводхонлиги бўйича Қарши шаҳри, Яққаб, Шаҳрисабз, Косон, Касби, Қамаш, Деҳқонобод, Ғузор туманларида ўқув курсларини ташкил этапти.

— Ўқув гуруҳи аъзолари вилоятдаги ўн та коллежда ҳафталик ўқув курсларини олиб бораёпти, — дейди «Камолот» ЁИХ ТАТУ Қарши филиали бошланғич ташкилоти етакчиси Шербек Норматов. — Ҳар бир коллежда тўрттадан талабамиз жалб этилган.

Амиров. — Бу ерда ўз эҳтиёжим учун пул ишлаб олмакчиман. Ҳозир уста-қурувчиларга сувоқчи бўлиб ёрдамлашаяпман. Улардан қурилиш ва таъмирлаш ишларини яхши ўрганиб олсам, келажакда ўз уйимни ўзим қураман.

Узоқни кўзлаган бундай йигитлар қинғир йўл билан эмас, балки пешона тери билан пул топишни мақсад қилишган. Меҳнат билан топилган маош эса, ҳар доим қадри ва баракали бўлади.

## Жайхун бўйларида

«Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати томонидан Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Шу



кунга қадар ёшлар меҳнат ҳаракатига маҳаллалардаги вақтинча ишсиз 1435 нафар меҳнаткаш бунёдкор бирлашган. Улар намунавий уй-жойлар қурилишида, тиббиёт ва таълим муассасаларининг қурилиш ва қайта таъмирлаш ишларида уста-қурувчиларга ёрдамлашяпти.

Ҳаракатнинг Чимбой тумани кенгаши томонидан ҳам «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳи шакллантирилган. Туманда «Бунёдкор»га аъзо бўлган элик беш нафар ёш Тазгара овул фуқаролар йиғинидаги «Чимбойтаъмирлаш» МЧЖ томонидан барпо этилаётган намунали уй-жой қурилишида ҳамда Кенгаш овул фуқаролар йиғинида жойлашган, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослаштирилган биологаторияда ишлашяпти. Уларнинг ўттиз беш нафари коллеж ўқувчиси, қолгани вақтинча ишсиз ёшлардир. Ўтган йили «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига аъзо ёшлар тумандаги ўн та намунали уй-жой қурилишида меҳнат қилишган.

— Бу йил иккинчи бор «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳида меҳнат қилапман, — дейди Чимбой туманидаги 7-маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Нурбек Сафаров. — Ўтган йили ҳам намунавий уй-жой қурилишида иштирок этиб, икки ойда бир миллион сўм пул ишлаганман. Ҳозир намунали уй-жойларнинг томларини ёпиб, ички пардоз ишларига ўтаёпмиз. Уйимиз яқин, қатнаб ишлаймиз.

## Талабалар учун янги тураржойлар

Тошкент вилоятида ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Бунда жойларда ташкил этилган «Бу-

нёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳлари фаол қатнашмоқда. Хусусан, Тошкент давлат аграр университетида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳига аъзо ёшлар 1 июлдан бошлаб университет худудидаги 13-, 15-талабалар тураржойини таъмирлаш ҳамда ободонлаштиришда қатнашмоқда.

Ҳозир университетнинг икки юз нафар талабаси «Бунёдкор» сафида жавлон уриб ишламоқда. Улар ойлик маош, махсус кийим-кечак, тураржой ҳамда иссиқ овқат билан таъминланган.

— Ҳар йили университет талабаларидан «Бунёдкор» меҳнат гуруҳи тузилади. Улар ёз мавсуми давомида ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борилади. Бу ерда «Бунёдкор»чилар учун маънавият хонаси ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди Тошкент давлат аграр университети бошланғич ташкилоти етакчиси Шавкат Дурхўжаев.

— Илк бор ушбу меҳнат гуруҳига аъзо бўлдим. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдида университетимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Ажаб-маски, янги ўқув йилида замонавий шароитларга эга бўлаётган ушбу талабалар тураржойида мен ҳам истиқомат қилсам, — дейди «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзоси Азиз Жўраев.

Бугун Азизбекка ўхшаган ҳар бир ёш «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати орқали юрти, халқига фойдаси тегаётганидан, яхши жойда, яхши шароитда меҳнат қилаётганидан бахтиёр.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

# Ҳаракатлар самараси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш, тадбиркорлик каби йўналишларда йигирмага яқин турли лойиҳалари орқали миллионлаб ёшларни бирлаштириб келмоқда.

Жануб жавоҳири Сурхондарёда ҳам Ҳаракатнинг вилоят кенгаши «Келажак овози», «Камалак» билимдонлари», «Янги авлод», «Шунқорлар», «Ёш чегарачилар» каби мусо-

бақа ва кўрик-танловлар ўтказиб келяпти. Эътиборлиси, воҳа ёшлари бундай танловларда шунчаки қатнашиб қолмасдан, балки республика босқичида ҳам фахрли

ўринларни қўлга киритмоқда. Хусусан, Термиз олимпия захиралари коллежининг «Ёш чегарачилар» жамоаси жорий йилги «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг республика босқичида учинчи ўринни, «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасида эса, Музработ кичик ва ўрта бизнес касб-хунари коллежининг «Қоллон» жамоаси ана шундай на-

тижани қайд этди.

Ҳаракат ёшлар муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ёшлар ҳаётида учраётган турли муаммолар ечимини ҳал этиш учун бир юз эликдан ортиқ ёшларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Ёз мавсуми бошланиши билан болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган «Ёзни «Камолот» ва «Ка-

малак» билан!» лойиҳаси амалга оширилади. Бундан ташқари, ёшлар иқтидорини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида Термиз шаҳри, Жаркўрғон, Узун, Сарийосиё, Денов, Музработ туманларида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолияти йўлга қўйилган. Бугун ушбу марказлардаги турли тўғаракларда минглаб ёшлар билим ва хунари эгаллашмоқда.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ёшлар орасида

«Kamolot» ko'zguisi

жиноятчилик, гиёҳвандлик, кашандалик, ичкилик-бозлик иллатларига қарши кураш ҳамда эрта турмуш қуришнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб келяпти. Мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида соғлом, баркамол қилиб тарбиялашдир. Зеро, маънан етук инсонни ҳеч бир иллат енга олмайди.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА**

# Шовотлик бизнес-леди



Хоразмнинг Шовот туманидамиз. Ўн етти йил аввал бу ерда «Атланта-Титаник» хусусий корхонаси иш бошлаган эди. Раҳбари — Ширин Одилова. Маълумоти бўйича — ҳамшира. Уй юмушларидан ортиб, дастлаб бу аёл хусусий дўкон очди. Кўп ўтмай, савдо-сотикдан тушган даромад ҳисобига корхона таркибида гўзаллик салони, яна бир йилдан сўнг келин либослари салонини ташкил қилди. Ҳар иккисидан тўрт нафардан коллеж битирувчиси иш билан таъминланган.

Шахсий бизнесни юритиш осон эмас. Туман аҳолисига юқори сифатли сервис хизматларини кўрсатиш ва одамлар эътиборига тушиш учун қаҳрамонимиз озмунча меҳнат қилди, дейсизми? Биринчи галда мижозларнинг талабини, дидини ўрганди. Мана, масалан, гўзаллик салонини олайлик. Ахир, бу оддий сартарошхона эмас. Бу ерда ишни апил-тапил бажариб бўлмайди, мижознинг кўнглига қараш, соч турмаги, макияж, тери учун муолажалар ва

бошқа турдаги хизматларни профессионал даражада бажариш талаб қилинади. Демак, гўзаллик салонидан ўз ишининг усталари хизмат қилиши керак. Ҳамма жойда шундай, Шовотда ҳам...

Тадбиркор учун раҳбарлик қобилияти сув ва ҳаводек зарур. Зеро, замонавий талқинда тадбиркор ҳам раҳбар. Унинг ўз жамоаси, ходимлари бор. Кичик бизнесда раҳбарлик лавозимини уддалаш, айниқса, мушкул. Ахир, тез ўзгарувчан бозор конъюнктурасига мослашиш, рақобатга бардош бериш учун сиз чинакам новатор бўлишингиз керак. Бу жиҳатдан Ширин Одилонинг маҳоратига қойил қолиш керак. Унинг тадбиркорлик фаолиятида антиқа, чинакам новаторлик жиҳатлар оз эмас. Масалан, кўпроқ мижозларни жалб қилиш мақсадида «Атланта-Титаник» хусусий корхонасига тегишли келин либослари салонидан доимий равишда шундай доимий акция амал қилади: келин либосини ижарага олувчи шахс туман-

Бизнес очиқ океандаги кема ҳаракатига ўхшайди. Капитан тадбиркор ва уддабурон бўлса, унинг кемаси, ҳатто кучли тўфону бўронларга қарамай, бир текис, раван ҳаракатлана олади. Чамбаракни аёл бошқарса-чи? Бунинг сира аҳамияти йўқ. Аксинча, бугунги бизнес-ледилар тадбиркорлик бора-сида эркаклардан ўтса ўтадики, асло кам эмас.

даги кинотеатр биносидан (у ҳам корхона томонидан ижарага олинган) хоҳлаган тантанани ёки маросимни бепул ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, фирма томонидан мижозга тўёна сифатида бирор маиший техника совға қилинади. Шовот туманида Ширин Одилонинг салонлари нега бунчалик машҳур эканини энди тушунгандирсиз?!

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Бир йил аввал тадбир-

цехни қўшимча равишда техник жиҳозладик. Ҳозир корхонада ўн тўрт нафар қиз доимий иш билан таъминланган. Бариси профессионал чеварлар. Аксарияти коллежда ўқиган. Матони, асосан, пойтахт ва Тошкент вилоятидаги текстиль фабрикаларидан буюртма асосида олиб келамиз. Хомашё ҳам, ишчи кучи ҳам маҳаллий бўлгани учун маҳсулотларимиз импорт моллардан кўра анча ҳамён-



кор Ширин Одилова яна бир йирик бизнес лойиҳани амалга оширди. У тадбиркорлик фаолиятидан келаётган даромадни жамлаб, тикув цехини ташкил қилди. Цехда ўн беш хилдаги маҳсулот, асосан, аёллар халатлари, болаларнинг ич кийимлари, футболка ва майкалар тикиб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларни сифатли қилиб ишлаб чиқариш учун «Микрокредитбанк» ОАТБ туман филиалидан икки мартаба умумий қиймати 27 миллион сўмлик микрокредит олдим, — дейди Ширин Одилова. — Ушбу маблағ ҳисобига замонавий электр тикув машиналарини харид қилиб,

боп. Айтганча, тикилаётган кийим-кечак маҳсулотларининг кўп қисми фирмамизга қарашли дўконда сотилади. Бу ҳам биз учун жуда қулай. Очиғи, аввалига, тикув цехи ўзини оқлармикан, ахир, бозорларимизда четдан келтирилувчи маҳсулотлар кўп, биргина аёллар халатини оласак, айтган хилингиздан топилди, дея бироз иккиландим. Турмуш ўртоғим менга далда берди. Иқтисодчи бўлгани учун ушбу бизнес лойиҳанинг иқтисодий самарасини биргаликда баҳолаб чиқдик. Нархи арзон, бироқ сифати бошқалардан сира қолишмайди-ган маҳсулотнинг бозори ҳеч қачон касодга учрамайди. Ти-

кув цехини очаётганда мен аввал-бошданок фақат туман аҳолиси, яъни маҳаллий бозор талабларини қондиришни мўлжаллагандим. Бизнесда мақсад ва натижани аниқ белгилаш гоят муҳим аҳамиятга эга. Бу куч, меҳнат, вақт ва бошқа шу каби ресурсларни беҳуда сарфламасликка ёрдам беради. Ёш тадбиркорларимиз бунинг доимо ёдда тутишларини истардим.

Ширин Одилонинг тикув цехида бир нечта ходимни иш устида учратдик. Улардан бири — Шовот қурилиш касбхунари коллежи битирувчиси Моҳигул Жабборберганава.

— Тикувчиликни шогирд бўлиб ўрганганман, — дейди Моҳигул. — Иш жойим тайин. Туманимизда шундай корхоналар ташкил қилинаётганидан хурсандман. Яқинда «Шовоттекс» хусусий корхонаси ҳам ишга тушди. У ерда ишчи-ходимларга барча қулайликлар муҳайё этилган. Кўриб ҳавасингиз келади. Бироз тажриба орттириб, мен ҳам «Шовоттекс»да фаолиятимни давом эттирсам, ажаб эмас.

Цех бўйлаб мини экскурсиядан сўнг Ширин опа билан суҳбатимиз оила, аёллик ташвишлари ҳақида давом этди.

— Тўғри, аёл кишига ҳам оила, ҳам ишни уддалаш жуда қийин, раҳбар бўлиш эса, ундан ҳам мушкул, — дейди Ширин Одилова. — Лекин бу қийинчиликлар мени сираям чўчитмайди. Табиатан таваккалчидан, меҳнатдан қочмайман, нимани хоҳлашимни аниқ биламан. Қолаверса, ёнимда ишончли таянчим — турмуш ўртоғим бор.

Ҳа, Ширин опа оилани ҳам, ишни ҳам қадрлайди. У эзгу қадриятларни «биринчи, иккинчи» тоифаларга ажратмайди. Муваффақиятларининг асл сабаби ҳам шундан бўлса керак.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» муҳбири.  
Александра Спиридонова  
олган суратлар

## Орзулари бир олам ёшлар

Шу кунларда Термиз давлат университетидан ҳам 2013/2014 ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш давом этмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар туфайли Термиз давлат университети ҳам тубдан янгиланди. Замонавий усулда жиҳозланган кенг, ёруғ ва шинам ўқув бинолари, талабарлар уйлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари барпо этилди. Янги қурилган спорт иншоотлари ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мазкур олий таълим муассасасига бу йил 34 таълим йўналиши бўйича бакалаврият босқичига 1 минг 660, магистратура босқичига 11 таъ-

лим йўналишида 69 йигит-қиз тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинади.

— Бу йилги қабул жараёнини ҳам юқори савияда ташкил этишга алоҳида тайёргарлик кўрдик, — дейди университет ректори, қабул комиссияси раиси, профессор Мамат Ҳайдаров. — Ўтган йили таълим муассасамизда 21 минг 840 йигит-қиз ўқиш истагини билдирган бўлса, жорий йилда бундан ҳам кўпроқ ҳужжат топширилиши кутилмоқда. Ҳужжат қабул қилинадиган бинолар атрофи ободонлаштирилиб, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун барча қулайлик яратилди. Қабулнинг очиқ ва ошқоралигини таъминлаш мақсадида абитуриентлардан талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати, таълим йўналишлари бўйича қабул кўрсаткичлари ва бошқа зарур маълумотлар акс эттирилган паннолар ўрнатилди. Ушбу

жараён билан боғлиқ барча маълумот ва янгиликларни университет радио узели орқали эълон қилиш жорий этилди.

Вилоят халқ хўжалигининг кадрларга эҳтиёжи ўрганилиб, мутахассислар тайёрлаш қайта кўриб чиқилаётгани таълим йўналишларини кенгайтиришни талаб этмоқда. Хусусан, бу йил тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, хотин-қизлар спорти, немис тили, психология, кадрлар менежменти, энгил саноят буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси, автомобиль йўллари ва аэродромлар мутахассисликлари бўйича ҳам абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинади.

— Ўғлим Хумойиддин Бойсун маиший хизмат кўрсатиш касб-хунари коллежини компьютер жиҳозларига хизмат кўрсатиш мутахассислиги бўйича тугатган, — дейди Бойсун тумани-

даги «Бибиширин» маҳалласидан келган Оллоқул Раҳмонов. — Шу соҳага жуда қизиқиши боис, информатика ва ахборот технологиялари йўналишига ҳужжат топширди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари ўқиш, изланиш ва бунёдкорлик туйғуси билан яшаётган йигит-қизлар, чехрасидан мамнунлик уфуриб турган ота-оналар билан гавжум. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаш ва уларнинг ўқиб-изланиши, ўз салоҳиятини намоён этиши учун олиб борилаётган улкан саъй-ҳаракатлар ва кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликлар самарасидир.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**  
ЎЗА муҳбири

# Янги тажриба — яхши самара

Бухоро вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги фармойишига асосан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент давом этмоқда. Бу жараён моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида вилоятда 200 нафар кишидан иборат тарғиботчилар гуруҳи шакллантирилди. Улар дастлаб Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлини мутахассислари томонидан ташкил этилган ўқувларда малака ошириб, ҳозирда шаҳар ва туманларда тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Тарғибот гуруҳининг саъй-ҳаракати натижасида вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари веб-сайтлари сони 12 тадан 35 тага кўпайди.

Бугунги кунда мавжуд 33 та маҳаллий босма оммавий ахборот воситасининг 40 фоизи нодавлат секторга тегишли. Бундан ташқари, вилоятда интернет провайдерлари, давлат ахборот ресурси, давлат органи ва ҳўжалик бошқаруви идораларининг расмий веб-сайтлари фаолият юритмоқда. Ахборот фойдаланувчилари ўртасида ўтказилган сўровга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборотнинг оғзаки ва ёзма шаклда тақдим этилиши эвазига аҳолининг уларга мурожаати ортиб бормоқда. Хусусан, эксперимент давомида журналистларнинг 120 га яқин, нодавлат ташкилотларнинг 83 та, жисмоний шахсларнинг 140 та сўровига жавоб берилгани эътиборга молик.

Ҳуқуқий эксперимент доирасида Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан тизимдаги органлар ва муассасаларнинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида тўрт марта матбуот анжумани, ўнга яқин давра суҳбатлари ташкил этилди.

Бошқарма тузилмаси, вазифаси, ҳуқуқлари, раҳбарияти, бошқарма ҳужжатлари, статистик маълумотлар, эълонлар ва бошқа шу турдаги маълумотларни [www.buxoro.adliya.uz](http://www.buxoro.adliya.uz) веб-сайтдан олиш имконияти мавжуд. Сайтдаги маълумотлар мунтазам янгилаб борилмоқда.

— Ҳуқуқий эксперимент ўз иштирокчилари, биринчи навбатда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бинобарин, экспериментда иштирок этаётган давлат органлари ўз фаолиятининг шаффофлиги, очиқлиги ва ишончлилиги таъминлашга риоя қилган ҳолда, экспериментни ўтказишнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ талаблар ижросини тўлиқ таъминлаши, синовдан ўтказилаётган қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва экспериментни ўтказиш жараёни тўғрисида аҳолини хабардор этиб бориши, синов давомида юзага келган ижтимоий муносабатлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича

таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши керак, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Акром Халилов.

Экспериментни амалга оширишда вилоят статистика бошқармаси томонидан ҳам тегишли ишлар бажарилмоқда. Хусусан, бошқарма томонидан вилоят бўйича 1648 та ҳўжалик юритувчи субъектда тушунтириш ишлари олиб борилди. Биргина тadbиркорлик субъектлари билан ўтказилган 168 та семинарда 3904 нафар тadbиркор иштирок этган. Бошқарма ва ҳудудий бўлимлар жойлашган биноларда олтимишта кўргазмали стенд ташкил қилиниб, 3528 та қўлланма тарқатилди. Шунингдек, фуқаролар учун мўлжалланган «Иқтисодий рақамларда», «Демографик маълумотлар», «Чорак натижалари», «Динамик қаторлар», «Нашрлар» каби ахборот ресурслари яратилди. Охириги бир неча ой ичида вилоят статистика бошқармасига фуқаролар томонидан 16 та, интернет орқали тўртта, идора ва ташкилотлар томонидан 423 та мурожаат келиб тушганини ҳуқуқий экспериментнинг самараси, деб айтиш мумкин.

Айтиш жоизки, Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан қатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқий экспериментдан хабардорлиги ўрганилганда, уларнинг барчаси ҳам бу борада етарли тушунчага эга эмаслиги, қолаверса, ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган ҳужжатлар талабга жавоб бермаслиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказилмаганлиги, шунингдек, ташкилот фаолиятига доир масалалар юзасидан

Huquqiy eksperiment

аҳоли сўровларини рўйхатга олиш учун дафтар тўтилган бўлса-да, унга муайян ном берилмай, қайси санадан бошлаб юритилгани қайд этилмагани, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш доирасида ташкилотнинг очиқ йиғилишларида фуқароларнинг қатнашиши таъминланмаганлиги аниқланди. Бундай камчиликларга «Бухоропахтасаноат ҳудудий бирлашмаси» ОАЖ, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва бошқа ташкилот ҳамда муассасалар томонидан йўл қўйилган.

Вилоят ҳокимлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш, экспериментни сифатли ва белгиланган талаблар асосида ўтказишни таъминлаш юзасидан тезкор тавсиялар берилди. Шу ўринда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент нафақат эркин фуқаролик жамиятини куришининг асосий йўналишларидан бири, балки бошқаруви органлари мутасадди-раҳбарларининг билим ва салоҳиятини синовдан ўтказувчи механизм эканини ҳам унутмаслик даркор.

Юртимиз қонун ижодкорлиги амалиётида экспериментнинг татбиқ этилиши қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ҳаётлиги бўйича илмий асосланган, жамият ва давлат бошқаруви амалиёти билан узвий боғланган тавсиялар ишлаб чиқишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мазкур тажриба давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, очиқ-ошкоралигини таъминлашга хизмат қилиши ҳам шубҳасиздир. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат барпо этишининг асосий мезонларидан бири.

Лайло ХАЙИТОВА,  
«Turkiston» мухбири

Shunday markaz bor!

## Пазанда, тикувчи, ҳамшира қизлар

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона тумани кенгаши ва «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази бир бинода жойлашган. Туман марказида жойлашган бу марказ барча ёшлар учун ҳар жиҳатдан қулай. 2009 йилда фаолият бошлаган мазкур ЁИХМда ўтган давр мобайнида кўплаб ёшлар хунар ўрганишга улгурди. Айни кунда тўрт йўналишда фаолият олиб бораётган бу масканда жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 459 нафар йигит-қиз хунар ўрганди.

Биргина пазандалик йўналишининг ўзида йил бошидан буён саксон нафар қиз ўз оиласининг пазандаси бўлиб улгурди. Ҳозирда янги қабул қилинган, хунар ўрганиш истагидаги 32 нафар қиз пазандалик сирларини ўрганишни бошлаб юборди.

— Йўналишимиз уч ойлик дастурни ўз ичига олади, — дейди мазкур тўғарақ раҳбари Интизор Мелибоева. — Бу даврда ўқувчиларимиз салат, торт ва ширинликларнинг ўндан зиёд турини маҳорат билан тайёрлашни ўрганишади. Бир сўз



билан айтганда, бир оила бекаси учун етарли даражадаги кўникмага эга бўлишади.

Уй ҳамшираллиги йўналишида икки ой назарий билим олган ёшлар ЁИХМ ёнгинасида жойлашган туман шифохонасида амалиёт ўтаб, билимларини мустаҳкамлашади.

Тикувчилик йўналишида ҳам қизлар тўқувчилик, элита пардалари тикиш, кийим лойиҳалаш, бир неча хил чокларни

тикишни ўрганади. Ўзлаштириши сушт ўқувчилар билан яқка тартибда қўшимча дарслар ташкил этилиши барчанинг бирдек билим олиши, хунарни барча ёшлар мукамал эгаллашига асос бўляпти.

Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири

**СУРАТДА:** пазандалик тўғараги раҳбари Интизор Мелибоева ўқувчилар билан пицца тайёрлапти.

Abituriyentga ko'mak

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Тошкент давлат иқтисодийёт университети иқтисодийёт тармоқлари учун кадрлар тайёрлайдиган республикамиздаги таянч олий таълим муассасаси. Унда бакалавриятнинг 23 та йўналиши ҳамда 32 та магистратура мутахассислиги бўйича таълим берилади.**

Университетда ахборот технологиялари ва статистика, банк иши, бизнес, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, иқтисодийёт, халқаро туризм факультетлари мавжуд. 2013-2014 ўқув йили учун ТДИУга бакалавриятнинг куйидаги таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилинган: касб таълими: иқтисодийёт; касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари; иқтисодийёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича); менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича); маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича); банк иши; солиқлар ва солиққа тортиш; бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича); статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича); меҳнат иқтисодиёти ва социологияси; ходимлар менежменти; информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича); хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича); меҳмонхона ҳўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш.

Бу йил бакалавриятга жами 715 нафар абитуриент ўқишга қабул қилинади. Шундан 125 нафари давлат гранти, 590 нафари тўлов-контракт асосида таълим олишади.

Шунингдек, 314 та ўрин (39 та давлат гранти, 275 та тўлов-контракт) магистратура босқичига ажратилган.

Тошкент давлат иқтисодийёт университетида хужжат топширган абитуриентлар математика, чет тили, она тили ва адабиёт фанларидан тест топширадилар. Информатика ва ахборот технологиялари таълим йўналишида эса, тест синовлари фанлар блокига математика, физика, она тили ва адабиёт фанлари киритилган.



# ТАВИАТНОМА

## Қанотли ҳимоячиларимиз

Ёз келиб, қуёш ўзининг нурларини янада кўпроқ сочмоқда. Мевалар пишиб, боғлар икки ҳисса гўзаллик касб этгандек, назаримизда. Бундай пайтда бутун олам яшнаб кетади, ҳаммадан ҳам қушларнинг чуғур-чуғурини айтмайсизми? Жониворлар яйраб, уларнинг беҳисоб галаси кўкни қоплайди. Мавсумий ўзгаришлар уларнинг ҳаёти учун, айниқса, муҳим. Мазали озуқалар, мусаффо табиат. Уларга боқиб, бу дунёнинг мўъжизаларини яна бир карра ҳис қиласан, киши.

## Фусункор ва жозибали

Баҳор келиши билан айвон ва даҳлизларимизга жибир-жибир қилиб қалдирғочлар учиб кириб қолади. Қанотлари анча узун, думи айри бўлган фусункор ва жозибали бу қушлар бошдан оёқ қор-қора, томоғи ҳамда тўшидаги малларанг белбоғи бўлиши билан бошқа қалдирғочлардан фарқ қилади.

Жанубдан келган қалдирғочлар эски уяларига яқинлашаркан, яхши сақланиб қолган бўлса ҳам янгисини қуришга киришади. Ярим шарсимон уяни жуда пухта қилиб қуриш қушлар учун характерлидир. Бунинг учун сўлаги билан хўллаб оладиган лойдан фойдаланишади. Кичик-кичик гувалякчаларни омилкорлик билан бир-бирига ёпиштираркан, ораларига хас-чўп, от қили ва юнг бўлакларини қўйиб кетади. Уя тайёр бўлгач, ичига ўт-ўлан, пат ва жун бўлакларини ташиб келтиради. Тухумларини навбатма-навбат босиб, душмандан ҳимоя қилади. Тухумдан чиққан полапонлар вояга етгач, тўпланишиб, гала-гала бўлиб кенг яйлов томон учиб кетишади. Улар, асосан, дарё соҳиллари ва ботқоқлик четларида ҳаёт кечира бошлайди. Ота-оналари эса, орадан кўп ўтмай, уяларини тузатиб, яна тухум қўйишга киришади.

Қалдирғоч ҳавода учиб бораётиб, пастлаб ердаги ўлжасини тутиб озиқланади. Чивин, кўнғиз, капалак каби майда ҳашаротларга қирон келтириб, қишлоқ хўжалиги экинлари ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Қуёш энди буй кўрсатганида пешайвонли уй атрофида қалдирғочларнинг бесаранжом чирқиллаши диққат-эйтиборимни тортди. Улар навбатма-навбат айвон устунларига кўнар, дам қанотларини пириллатиб, ҳавода муаллақ туриб қоларди. «Бу қушларни нима безовта қилдикин? Балки мушугимиз улар пайига тушгандир?» деган саволлар менга тинчлик бермасди. Лекин мушук танчада ўзини офтобга бериб ётарди. Кейин айвон устунларига яқинроқ борганимда қуш жониворлар шиддат билан уялари томон учиб, жон-жаҳдлари билан қанот қоқиб чирқиллашдан тўхтамасди.

Кўп ўтмай, айвондаги уяларнинг бирига танаси совуқ чипор илоннинг оҳиста ўрмалаб чиқаётганини кўрдим. Қушлар тап тортмай, жонини хатарга қўйиб душманга яқинлашганча уни пастга тушириб юборишга уринарди. Кўримсиз махлук эса оғзини очганича боши ва танасининг олди қисми билан сувоғи кўчган деворга ёпишиб олганди. Полапонларини ҳимоя қилиш ва жон сақлаш учун олишаётган фидокор қушлар, ҳарқалай, талончининг уя томон яқинлашишига тўсқинлик қиларди. Мен бир лаҳзада девор ёрига кириб кетаётган илонни пайқаб қолдим ва айри таёқ ёрдамида тутиб олганим заҳоти қалдирғочлар тинчиб қолишди.

Ривоят қилинишича, уя томон ўрмалаб келаётган илонни пайқаган қалдирғочларнинг бири дарҳол дала томон учиб, бешиктерватар тутиб қайтиб келади. Шунда бешиктерватар илон боши томон ўрмалаб, чанг солиб ва кўзларини тирнаб тўсқинлик қилади. Махлукнинг ортга чекинишдан бошқа иложи қолмайди. Ушбу ривоятнинг қанчалик тўғрилиги бизга қоронғи. Аммо қишлоқ қалдирғочларининг ҳаёт учун кураши яшашнинг энг қулай усули эканини англаб олиш қийин эмас.

Ўзбек халқ эртақларида оқ бағирли зағизгонлар ҳақида кўп эшитганмиз. Лекин ҳамма ҳам уни илк бор учратганида тезда танийвермайди. Узун думи, боши ва орқа томони қора, елкаси, кўкрак қафаси ҳамда қорин қисми оқ ранда бўлган бу қанотли дўстларимиз боғ-роғлар, тўқайзор ва тоғлар этагида йил бўйи ўтроқ ҳолда ҳаёт кечиради.

## Зағизгон

Кунларнинг бирида тепалиқда зағизгонларнинг қағиллаши диққатимни тортди. Тинмай «чуғур-чуғур» қилувчи ушбу қушларнинг пайига кўп тушадиган тоғ тулкисини учратиб қоларман, деб қўлда таёқ билан атрофга кўз югуртирдим. Ҳеч зог кўринмади. Воқеа жойига яқинроқ борганимда бута тагида кўлвор илон қулча бўлиб, қимирламай ётарди. Унинг хира териси ва сутранг оқ кўзларига тикилиб сесканиб кетдим ва бироз орқага чекиндим. Қушлар эса ҳавога кўтарилганича яна чуғурлашиб уя бошладилар. Қачонки, танаси совуқ ва кўримсиз махлукни тутиб халтага жойлаганим заҳоти қушлар тинчиб қолишди ва теракзор томон учиб кетишди.

Навбатдаги ов пайти йўлда кетаётиб зағизгонларнинг илон атрофида чоғиб, уни тутишга уринаётгани ва чуғурлаши мени ажаблантирди. Қушлар илон томон тик ташланганича сакраб-сакраб дум томонини чўқилашарди. Охири, илон жон сақлаш учун чекинишга мажбур бўлди. Чамаси зағизгонлар заҳарсиз илонларга ҳужум қилишдан тап тортмас, заҳарлиларидан эса эҳтиёт бўлиб, уларга яқинлашмас экан.



Сайёра ОТАБЕКОВА,

Жиззах шаҳридаги 19-мактабнинг биология ўқитувчиси

## Лазиз неъмат

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, инсон танасида учрайдиган хасталикларнинг тўқсон фоизи яроқсиз сув истеъмол қилиш оқибатида пайдо бўлар экан.

Дунё аҳолисининг ошиши жадал суръатлар билан кечаётган бир пайтда ҳаётнинг барча жабҳаларида сувга эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида глобал сув инқирозига, яъни чучук сув етишмаслигига олиб келаяпти. Чучук сувнинг истеъмол даражаси дунё аҳолиси ўсиш тезлигидан икки баробар юқори. Ҳар қанча оғриқли бўлмасин, мутахассисларнинг 2025 йилга бориб Ер юзи аҳолисининг ярми тоза ичимлик суви танқис-

лигига учрайди, деган илмий башоратларини мулоҳаза қилиб кўришимизга тўғри келади.

Сўнгги йилларда олимлар денгиз сувларини чучуклантириш ва Шимолий кутб музларини ташиш йўлларини ахтармоқдалар. Айсберглардан чучук сувни сиқиб чиқарадиган усулни таклиф этаётган россиялик олимлар бир суткада бутун курраи заминга бир ҳафтага етадиган миқдордаги сувни ишлаб чиқариш имкони мавжудлигини таъкидлаш-

## Дашт сўфитурғайи

Кунлар исиб, чошгоҳ пайти биз «Нива» машинасини саёзлашиб қолган дарё сувни адоғидаги қирғоққа қўйиб бироз ҳордиқ чиқармоқчи бўлдик. Қир-адирлар барқ уриб ўсган ўт-ўлан ва анвойи гуллар билан қопланган. Сойда оқаётган сувнинг бир маромда шилдирашидан бизни бироз мудроқ босибди.



Бир пайт қушнинг чирқиллашидан барчамиз хушёр тортдик. Бошимиз узра учиб келган сўфитурғай ваҳимага тушганча шундоққина ёнгинамизга келиб кўнди. Кейин қуш худди ҳеч нарса бўлмагандек тожини тик қилиб, кўзларини бизга тикканча қараб турарди. Жонсарак бўлиб турган қушчага назар соларканман, беихтиёр теварак-атрофга боқиб бир йирткич қушнинг уни қувлаб келаётганини кўрдим. Шунда ҳалиги кўш чўчиб, биздан анча нарилаб кетди. Уни таниб олишга ҳам улгурмадик. Лочин бўлса керак. Шундагина сўфитурғай бизни қора тортиб бекорга ёнимизга яқинлашганини тушундик.

Қанотлари сербар, танасининг шакли яғриндор ҳамда вазмин бўлган сўфитурғайнинг ён томонларида қора холлари яққол кўзга ташланади. Қанотларининг учига оқ хошияси бўлиб, ҳавога кўтарилганида яққол намоён бўлади. Улар буталар тагидаги чуқурчага қуруқ поя, донли ўсимлик барглари ва илдизчалардан уя ясаб олишади.

Баҳор ва ёз ойлари кўнғиз, чигиртка, капалак курти каби ҳашаротлар билан озиқланади. Улар кўпинча ерда югуриб, олдида учраган ўт-ўлан ва дон-дунларни еб кетаверади. Озуқа танлаб ўтирмайди. Қишда қалин қор ёғиб, совуқ тушган кезлари қишлоқларга яқинлашиб, уй ва ҳовли атрофига келиб, егулик ахтаради. Уларни, ҳатто катта йўл бўйларида ҳам учратиш мумкин.

моқда. Чучук сувни ҳам етказиб берадиган қувурлар ва тизимлар, юк ташувчи кемалардан фойдаланиш мумкинлигини айтмоқдалар. Лекин эколог олимлар ўтаётган юз йилликнинг охирига бориб, ўртача йиллик ҳарорат уч даражага кўтарилишини, Алп тоғларидаги музликлар эриб кетишини башорат қилишмоқда. Глобал иситиш натижасида музликларнинг эртароқ эриб кетиш хавфи инсониятни янада сергаклантириши табиий.

Шоир ибораси билан айтганда, «оқар сувларнинг уйимизга» оқиб келаётганига шукр қилайлик, азиз тенгдошлар. Шу билан бирга, унинг қадрига етиш, тежаб ишлатиш бурчимиз эканини унутмайлик.

Сайёра ЗУПАРОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

МАВЗУГА  
ДОИР ФАКТ

Чучук сув сайёрамиз умумий сув ҳажмининг атиги 2,5 фоизини ташкил этади. Ер қуррасидаги мавжуд сув захираларининг 70 фоизи Арктика ва Антарктида музликларида тўпланган. Дарё, кўл ва артезиан қудуқларидаги сув эса, жаҳондаги чучук сув захираларининг 0,26 фоизини ташкил этади.

### Bir savolga bir javob

Ёзги таътилга чиққач, ўртоғим иккимиз болалар оромгоҳида етакчиликка бормоқчи эдик. Бироқ айна дамда болалар оромгоҳларида биринчи мавсум тугай деб қолди. Бундай пайтда қаерга ва кимга мурожаат қилишимиз керак?

**Дилноза, талаба, Тошкент шаҳри**

**Саволга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасаси директор ўринбосари Тошпўлат Холиқов жавоб беради:**

— Болалар оромгоҳларида етакчилар танлаш масаласи мурожаат этилаётган болалар оромгоҳи маъмурияти томонидан ҳал этилади. Ҳар йили ёз фасли арафасида, яъни май ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб оромгоҳларга етакчиликка даъвогарлар ўртасида танлов суҳбатлари ташкил этилади. Ана шундай суҳбатдан муваффақиятли ўтган йигит-қизлар етакчиликка олинади. Оромгоҳ маъмурияти бизнинг ўқув услубий марказимизга етакчиларни тайёрлаш масаласида расмий мурожаат билан чиққач, биз етакчиларни тайёрлашда кўмаклашамиз.

Тўғрақ масаласида ҳам болалар оромгоҳи маъмуриятига мурожаат этиш лозим. Агар хорижий тиллар тўғрақлари очиш таклифи билан чиқилса, ҳали яна уч мавсумда бундай ишларни йўлга қўйиш имкони мавжуд.

### СИЗНИ АХТАРИБ

Нима сизни боғлайди менга,  
Нима сизга азоб беради?  
Мени сизга кўрмоққа муштоқ,  
Айтинг, нима мажбур қилади?

Нигоҳим-ла севишларимми,  
Балки маънос кулишларимдир?  
Кўз ёшларим ёноқларимда,  
Зор-зор йиғлаб, туришларимдир?

Билмам, ҳануз саволга шўнғиб,  
Кетаяпман, жавоблар ғариб.  
Саволларим бисёр кўнглимда,  
Мен бораман сизни ахтариб...

\* \* \*

Тунларимни тонгларга улаб,  
Яшайман хаёлим билан.  
Армонларим дилимда қат-қат,  
Меҳр, кулги... ортимда қолган.

Кимсиз ўзи, нега дардимни  
Фақат сизга сўйлайвераман?  
Елкамни тоғ босиб турса ҳам,  
Фақат сизни ўйлайвераман.

Шундай сизни авайлаб келдим,  
Йўлингизга зор қилиб ўзим.  
Бир қарасам, бегонадайсиз,  
Бир қарасам, сиз — қаро кўзим.

Тақдир бизни учраштиргани  
Омадми ё мусибатмикан?  
Андишам, меҳр? Ё чиндан  
Сизни севиб қолмадиммикан?!

Нега? Билмам, такрор ва такрор,  
Сизга дардим сўйлайвераман.

Хаёлларим учар сиз томон,  
Нега сизни излайвераман?..

Тунларимни тонгларга улаб,  
Яшайман хаёлим билан.  
Армонларим дилимда қат-қат,  
Меҳр, кулги... ортимда қолган.

### СОҒИНЧ

Тунларим узундир уйқу қочганда,  
Эрта тонг шу борлиқ юзин очганда,  
Қуёш кулиб туриб нурин сочганда,  
Мен сизни соғиниб яшайман ҳануз,  
Соғиниб яшайман эрта баҳор, куз.

Кўнглини армонлар забт этганида,  
Севги боғларимга тушганида муз.  
Умид дилдан мудом ўчмас экан-да,  
Мен сизни соғиниб яшайман ҳануз,  
Соғиниб яшайман эрта баҳор, куз.

Кулиб турсам, сиз соямда яшайсиз,  
Хаёл сурсам, рўпарамда бордайсиз.  
Тунларимга, тушларимга ёрдайсиз,  
Мен сизни соғиниб яшайман ҳануз,  
Соғиниб яшайман эрта баҳор, куз.

### ТўРТЛИКЛАР

Тонг отди, қалбимда ором оляпсиз,  
Айрилиқ дардини боғлаб жисмимга.  
Мен сизни шеъримда севиб, ардоқлаб,  
Опицлаб яшайман бермай ҳеч кимга.

\*\*\*

Отанг тирик бўлса, тоғни йиқарсан,  
Онанг тирик бўлса, қалб уйинг бўстон.  
Гар умр бўстони ҳамларга тўлса,  
Қудрат улашарди ёнимда ҳар он.

### Menga so'z bering

## Яхши сўз — жон озиғи

Ширинсуханлик ҳам инсон фазилатларидан биридир. Яхши тарбия кўрган инсоннинг ақл-заковати, туйғулари ва дунёқарашини сўзларидан пайқаб олса бўлади. Буни ҳаётда ҳам атрофимиздаги тенгдошларимизнинг нутқи орқали фойдаланаётган сўзларидан уларнинг қандай оилада улғайганини билса бўлади.



Носир Ҳайдаров олган сурат

Кўча-кўйда баъзи йигит-қизларнинг, ҳатто катталарнинг ҳам муомала маданиятини кўриб, хафа бўлиб кетасан, киши. Зеро, донишмандлар айтганидек, яхши сўз бахт қасрига элтувчи тулпор бўлиб, унинг қудрати бениҳоядир. Ширин сўз юз ва кўзнинг кўркидир. Кишининг одоби ва маданияти даставвал унинг тилида, нутқи орқали билимида намоён бўлади. Хурмат-эҳтиромга сазовор бўлмоқчи бўлган инсон ёқимли, фойдали мавзуларда сўзламоғи, маъносиз сўзлардан сақланмоғи керак.

Ана шуларни ўйлаганимда, замонавий кийинган, аммо ўзининг одобсизлигини сўзлари орқали намойиш этиб, атрофдагиларнинг кўнглини оғритаётган тенгдошларимга ачиндим. Ахир, гўзал муомала инсонга қувонч, меҳр, беморларга наҳот бахш этаркан. Биргина кўрс ва совуқ муомала, ўйланмай айтилган сўз соғ одамни хасталантириши мумкинлигини инсонлар ўйлаб кўрармиканлар?

Айтилган гап — отилган ўқ. Ҳар сўз ўқи камондан учса, уни қайтариб оламан, дейиш — хомхаёл. Шунинг учун номаъқул гапни кўп гапиргандан кўра, яхшиси, сукут сақлашда хосият кўпдир. Аччиқ сўзлаб бировнинг дилини вайрон қилгандан кўра, ширинсуханлик билан ўша кўнглини обод этган яхши.

**Феруза РАЖАБОВА,**

**Тошкент ислом университети қошидаги академик лицей ўқувчиси**

### Nafis tuyg'ular



\*\*\*

Сизни соғинаман, соғиндим, она,  
Ойдек юзингизда зоҳир қийноғим.  
Қанийди, дунёга қайтадан келсам,  
Қайтариб олардим берган азобим.

\*\*\*

Кўнгли хоҳишини сўраб бўлмайди,  
Покиза туйғулар асло ўлмайди.  
Аёлдан яхшироқ дўст бўлиш мумкин,  
Аммо сиздай дўстни топиб бўлмайди...


\*\*\*

Йиллар ўтар, эскирмас меҳр,  
Эскиради сарғайган дафтар.  
Фақат қора сочлар ўрнига,  
Униб чиқди оппоқ ҳасратлар.

\*\*\*

Мен сизга дунёлар тилашим мумкин,  
Сойнинг шўх сувлари қаби жўшқинлик.  
Мен сизга дунёнинг бойлигин эмас,  
Тилайман соғлигу бахти ёруғлик.

**Гулбаҳор ЖАББОРОВА**



## Автобус эмас, самолёт-ку!

Крикет бўйича Шри-Ланка терма жамоаси аъзоси нақ ўн бир километр баландликда учаётган самолётдан тушиб қолишга уринди.

«Boeing — 777» самолёти эшиги деярли очилганда, сигнал махсус ходимларга етиб борди. Хавфсизлик ходимлари кўнглисизликнинг олдини олишди. «British Airways» компаниясига тегишли самолёт Лондонга учаётган эди. Компания ходимлари ҳеч қандай хатар йўқлигини, самолёт тўлиқ хавфсиз эканини бот-бот такрорлади. Холбуки, эшик деярли очилган эди. Спортчи билан суҳбатда у ҳеч нарсани эслаш олмади. Аэропортнинг ички тартибларини бузиб, маст ҳолда самолётга чиққани ҳамда шерикларини кўрқитгани учун исми ошқор этилмаётган бу крикетчи қандай жазо қўлланилиши ҳозирча сир тутилмоқда.

## Бепарво ота

Австралиялик 42 ёшли Питер Жон Сайврайт етти яшар ўғлига машина бошқаришга рухсат бергани учун маълум муддатга қамоққа олиниши мумкин.

Маълумотларга қараганда, Сайврайт қош қорайганда дўстининг туғилган кунидан қайтаётганда, йўл ҳаракати ходимлари томонидан тўхтатилган. Чунки қоронғида машина чироқлари ёқилмаган эди. Йўл патруль хизмати ходимлари машина эгасидан ҳужжат сўраш учун яқинлашганида рул бошқарувида етти ёшли болани кўради. Йўловчи ўриндиғида ўтирган Питер Жон Сайврайт эса ғирт маст эди.

## Хорватия

### Евроиттифоқ аъзоси

Хорватия Европа иттифоқига расман аъзо бўлди.

Маълумотларга кўра, мамлакат Европа иттифоқнинг 28-аъзосига айланиши билан бирга, хорват тили Иттифоқ рўйхатида 24-расмий тил бўлиб ўрин эгаллади. Асосий байрам тадбирлари Загреб марказий майдонида ўтказилди. Ҳозирдан Хорватия вакиллари Иттифоқ органларида расман ишлашни бошлади. Хорватия Европарламентдаги 766 ўриндан 12 тасига эга бўлди. Мазкур йилнинг баҳорида Хорватияда бўлиб ўтган Европарламентга сайловларда энг кўп овоз тўплаган партия вакиллари депутатга айланди.

### Насиб қилди, аммо...

Италиянинг Арrezzo шаҳрида яшовчи лотерея эгаси билан антиқа воқеа рўй берди.

Италиялик лотерея ишқибози телевизордан кўриши керак бўлган лотерея ўйинини номаълум сабабга кўра ўтказиб юборди. Натijaда асабийлашиб, ўз чиптасини йиртиб, иккига бўлиб ташлайди. Бироқ эртаси куни газетада ўзи ғолиб бўлганини кўради ва йиртиб ташланган лотерея чиптасини топиб, тегишли жойга олиб боради. Лотерея ўйини ташкилоти маъмурияти чипта йиртиқлиги сабабли ютуқни беришдан бош тортади. Узоқ тортишувлардан кейин чипта эгаси қаттиқ сиқилиш натижасида юрак хуружидан вафот этади. Вафот этган кишининг оиласи жадл устида судга мурожаат этгандан сўнг лотерея ташкилоти оилага юз минг евро ютуқ пулини берди. Энди шунча пулни ютиб олинган пул, деса қандоқ бўларкин-а?!

**Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# Ўзбекистон — Франция. Тарихий учрашув



Бугун Тошкент вақти билан соат 20.00 да Туркиянинг Ризе шаҳридаги «Ризе шеҳир» стадионда футбол бўйича Ўзбекистон ва Франция ёшлар терма жамоалари майдонга чиқади.

Икки ҳафтадирки, Туркияда йигирма ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати хаяжон билан кузатиб келаямиз. Юртдошларимиз ўрин олган гуруҳда Уругвай, Хорватия сингари кучли жамоаларнинг борлиги, қолаверса, бундан икки йил аввал ўсмирлар терма жамоаси бизнинг ўсмирларимизни енган Янги Зеландия футболчиларининг яна юртдошларимизга қарши майдонга тушажакларини ўйлаб, хавотирлангандик. Гарчи хавотирларимиз ўзини бир қадар «оқлагандек» бўлиб, ёшларимиз уругвайлик тенгқурларига ютқазиб қўйган бўлса-да, аввалги икки ўйиндаги ижобий натижалар сабаб (Ўзбекистон — Янги Зеландия 3:0, Хорватия — Ўзбекистон 1:1) нимчорак финалда иштирок

этиш имкониятини қўлга киритишди. Қўлга киритишдию, кўнглимизга яна иштибоқлар инди: нимчорак финалда Греция билан тушишибди. Йигитлар ўзларини йўқотиб қўймасмикан? Ҳарна бўлгандаям, Европа вакили, 2004 йилги Европа чемпионларининг укалари... Қолаверса, учинчи турдаги йирик мағлубият салбий таъсир этмасмикан?.. Ана шундай ўйу ташвишлар билан экранга маъюс нигоҳ ташлаймиз. Йўқ, хайриятки, мураббийлар футболчиларимизни учрашувга психологик томондан яхши тайёрлаган бўлиб чиқди. Серсоқолу сержаҳл, «бўйдору мўйдор» грек тенгдошлари дарвозасига учта тўп киритишди ёшларимиз. Европа вакиллари гарчи ўйинда бироз устундек кўринсалар-да, жамоамиз дарвозасини бир мартагина ишғол қилишди.

Умуман олганда, жаҳон чемпионатининг чорак финалига қўймасмиканнинг уч терма жамоаси йўл олган. Бизникилардан ташқари, Ироқ ва Жанубий Корея жамоалари ҳам курашни давом эттирмакда. Қизиғи, мазкур икки жамоа ярим финал йўлида ўзаро кураш олиб борадиган бўлди. Шунингдек, чорак фи-



налда Уругвай — Испания, Гана — Чили ўйинлари ҳам бўлиб ўтади.

Яна юртдошларимиз ҳақида. Бугун жамоамиз Францияга қарши Бобурбек Йўлдошев, Сардор Раҳмонов (карточкалар йиғилиб қолгани сабаб) ҳамда Уругвайга қарши учрашувда шикастланган Жамшид Искандаровсиз ўйнайди. Рақиб жамоа сафида эса Жеффри Кондогбиа («Севилья», Испания), Пол Погба

(«Ювентус», Италия) сингари таниқли футболчилар тўп суради. Аммо Ўзбекистон ёшлари Туркияда жамоавий ўйини яхши шаклланган футболчилар сифатида эътироф этилаётти. Демак, бизникиларнинг кучи — аҳилликда, ҳамжиҳатликда. Насиб этса, ана шу бирдамлик бизга ғалабани тортиқ этиши мумкин.

**Элмурод НИШОНОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

									Ов куши	Шаҳар (Россия)							Актёр юзи безаги
Лавозим, амал	Спорт тури	Овландиган тоғ куши						Булоқ		Чакмоқ нури		Бол (синоним)	Жилванланган от		Шеърӣ вазн		
												Ушалмаган орзу	Шикор, сайд		Захарли судралувчи		
	Тиш «асос»и	Украина парламенти						Игна		... секин, шоммай							
											Мансаб, амал	... сирада (гоҳо)		Мавжуд	Тасвир, тус		
	... бери							Китоб қисми	Толе, омад	Фазо, коинот			Бува, дода				
			Курбон (самбо)	... хаво, ... новвот (қовун)	Икар юрти						Сабил, байталмон						
	Тоғ (АҚШ)				Россиядаги шаҳар ... хан			Орик, қилтириқ	... Курникова (геннисчи)			Камар, қайиш	Хайқириқ				
Миллат (Ўзбекистон)	Эвара (синоним)	Важ-корсон	Сих ҳам куймасин ... ҳам														
		Етар бўлди ...			Онанинг акаси			Ҳинд қушиқчиси					Сахар, азон	... идрок			
Шарҳ	... нг бароридан келсин			Катта уй иморат													
		Ёруғлик, ёғду					Юмуш, топшириқ, вазифа						Серсоя даррахт				
Ақл-идрок, фаҳм	Ҳасса			Бир хил, ухшаш						Газета нусхаси, тираж						Поклик ранги	

Тузувчи: Фаҳриддин Раҳимов

## ШАҒҚАТЛИ ВАҚТ

Секунд, дақиқа, соат... Ҳафта, ой... Вақт ўтаверади. Устозларимизнинг даққилари эсингиздами? Улар вақтни қадрланглар, дея қайта-қайта эслатиб туришарди. Вақтдан унумли фойдаланиш уни енгиш, вақтни беҳуда ўтказиш — унга мағлуб бўлиш, дегани. Кимки, жаҳонга танилган, даҳо сифатида тан олинган бўлса, билавериш керакки, у вақтдан зўр фойдаланган. Мана қулоқ тутинг: 57 йил умр кўрган Абу Али ибн Сино ҳаёти давомида 450 дан зиёд, Беруний эса ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. 47 ёшида вафот этган Бобур бобомиз, ҳаёти жангу жадалларда, турли зиддиятларда ўтган бўлишига қарамай, юзлаб ғазал ва рубоийлар, илмий асарлар, шунингдек, улкан мемуар асар битиб қолдирган. Бунга ўхшаш мисолларни минглаб келтирса бўлади.

Демак вақт — сизу биз ўйлаганчалик бешаққат эмас. У ўзини қадрлаганларга жуда меҳрибон. Уни эзгуликка, фойдали ишларга сарф этсангиз, у сизга боқий умр ҳада этади.

## МУШТАРИЙ КАТТАМИ, ЮПИТЕР?

Астрономия ўқитувчимиз шундай савол берганда, синфхона жим бўлиб қолди. Устозимиз кулдилар ва тилимиз ниҳоятда бой ва жозибали эканини айтиб, келинлар, болалар, сайёраларнинг номини дафтаримизга ёзиб қўямиз, дедилар.

Келинг, ўша дафтаримдаги ёзувларимни сизга ўқиб берай: «Юпитер — Муштарий, Марс — Миррих, Венера — Зухро, Сатурн — Зухал».

**Маҳлиё САҒАЁЗОВА**  
тайёрлади

## YON DAFTAR CHANGIZGA

Тешик идиш сувда билинар,  
Билими оз киши — синовда.

Ўзбек халқ мақоли